

2-1-2019

IMPORTANT ISSUES OF INCREASING CAPITALIZATION RATE AND IMPROVING FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

Z. Kholmakhmadov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Kholmakhmadov, Z. (2019) "IMPORTANT ISSUES OF INCREASING CAPITALIZATION RATE AND IMPROVING FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Холмахмадов З.А. – ТМИ,
доцент, и.ф.н.**

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: депозит, девальвация захираси, кредит, регулятив капитал, биринчи даражали капитал, капиталлашиш даражаси, капиталнинг етарлилиги, молиявий барқарорлик, ликвидлилик, ликвидли активлар, қайта молиялаш ставкаси.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с повышением уровня капитализации и укрепления финансовой устойчивости коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: депозит, резерв на девальвацию, кредит, регулятивный капитал, капитал первого уровня, уровень капитализации, достаточность капитала, финансовая стабильность, ликвидность, ликвидные активы, ставка рефинансирования.

The article reveals the topical problems associated with raising the level of capitalization and strengthening the financial stability of commercial banks in the Republic of Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.


Key words: deposit, provision for devaluation, credit, regulatory capital, level first capital, capitalization level, capital adequacy, a financial stability, liquidity, a liquid assets, refinancing rate.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат

банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши мамлакат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Чунки, мазкур Қарорда тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини Базель қўмитасининг янги талаблари асосида ошириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган Базель қўмитасининг банк назорати бўйича янги талабларини мамлакат банк амалиётига жорий этиш вазифасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси қабул қилинди. Ушбу йўриқномада республикада тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби ўз аксини топди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби^[3]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капиталига ва биринчи даражали капиталига нисбатан белгиланган минимал талаблар 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб 2019 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда босқичма-босқич ошириб борилади. Ушбу жараёнда, айниқса, биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб сезиларли даражада оширилади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларга баҳо берамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ҳолати^[4]

Кўрсаткичлар	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
Банklar регулятив капитали миқдори, трлн. сўм	6,5	6,9	7,8	9,4
Тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси, %	24,3	23,8	23,6	23,8

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2013-2016 йилларда республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур давр мобайнида тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси Базель стандарти талабларидан қарийб 3 баробар юқори бўлган. Мазкур ҳолатлар тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб, тижорат банкларига нисбатан ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентининг жорий этилганлиги уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномасига асосан ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти амалиётга жорий этилди [5].

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлар билан бирга, республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва

молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд. Ана шундай долзарб муаммолардан бири – бу Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларини тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатаётганлигидир.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг нисбатан юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан олиб қўйилаётганлиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда Марказий банкларнинг мажбурий захира ставкалари паст бўлиб, захира ажратмалари суммаси банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварағида сақланади.

Тижорат банклари регулятив капитали таркибининг барқарорлигини таъминланмаганлиги бу борадаги долзарб муаммолардан яна бири ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, девальвация захираси республикамиз тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган. Ҳолбуки, Базель стандартига кўра, девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капиталининг таркибига киритиш умуман мумкин эмас [6].

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати нисбатан юқори бўлган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда девальвация захирасини банкларнинг балансида катта миқдорда тўпланиши кузатилади. Бундай шароитда, девальвация захирасини тижорат банкларининг капитали таркибига киритиш уларнинг капиталлашиш даражасини сифат жиҳатдан ёмонлашишига олиб келади.

Девальвация захираси миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиши натижасида юзага келадиган маблағ бўлиб, барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланмайди. Шу сабабли, унинг регулятив капитал таркибидаги миқдорининг ортиши банкнинг молиявий барқарорлик даражасининг пасайишига олиб келади.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш борасидаги долзарб муаммолардан яна бири бўлиб, банкларнинг капиталлашиш даражасини макродаражада етарли эмаслиги ҳисобланади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами регулятив капиталнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси, фоизда^[7]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2015 йилларда республикада тижорат банклари регулятив капитали миқдорининг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2016 йилда эса, ушбу кўрсаткичнинг 2015 йилга нисбатан сезиларсиз даражада ўсиши кузатилган. Бунинг устига, таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банкларининг регулятив капитални макродаражада етарли бўлмаганлиги кузатилган. Чунки, тижорат банкларининг регулятив капитали макродаражада етарли бўлиши учун регулятив капиталнинг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси 6 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасининг тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирга барҳам бериш мақсадида, биринчидан, мажбурий захира ажратмалари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобварағида сақлаш лозим; иккинчидан, мажбурий захира ставкаларини, инфляциянинг кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда, унификация қилиш зарур.

Мажбурий захира ажратмалари суммасини банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварағида сақлаш уларнинг ликвидлик даражасининг ошишига хизмат қилса, мажбурий захира ставкаларини инфляция даражасига монанд равишда унификация қилиниши банкларнинг ресурс салоҳиятини ошириш имконини беради.

2. Тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибидан девальвация захирасини чиқариб ташлаш ва банкларнинг балансида девальвация захираси суммасини тўпланишига йўл қўймаслик мақсадида миллий валютанинг қадрсизланишига барҳам бериш лозим.

Республикамиз тижорат банкларида девальвация захирасини банкларнинг балансида чиқариш учун зарур бўлган миқдорда тақсимланмаган фойданинг мавжудлигини ҳисобга олиб, фикримизча, девальвация захирасини жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобидан шакллантиришни жорий қилиш зарур.

Девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капиталининг таркибидан чиқариш устав капиталида хорижий валютадаги маблағлар мавжуд бўлган тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини сифат жиҳатдан ошириш имконини беради.

3. Тижорат банклари регулятив капиталининг макродаражада етарлилигини таъминлаш учун, биринчидан, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан номинал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, тижорат банклари регулятив капиталининг миқдорини бир вақтнинг ўзида ҳам янги акциялар чиқариш йўли билан, ҳам тақсимланмаган фойдани устав капиталига йўналтириш йўли билан кўпайтириш зарур; учинчидан, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган янги оддий акцияларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш мақсадида инвесторларнинг банкларнинг акцияларига қилган инвестицияларидан олган даромадлари фойда солиғидан озод қилиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - № 18. – 3-4-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни

тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27.- 27-б.

4. Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг интернет-сайти – www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32. – 141-152-б.

6. Basel Committee on Banking Supervision. www.bis.org.

7. Расм Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг бюллетени ва www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.